

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома № _____ 2018 йил _____

май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-414 гуруҳ талабаси

Хазраткулов Хаётнинг

**Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини барқарор ўсишини
бошқариш амалиёти ва такомиллаштириш йўллари
 (“Kaplanser Sam” МЧЖ ҚК маълумотлари бўйича) мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: проф. Қодиров
А.Қ. – АТБ “Микрокредитбанк”
ўқув марказ директори**

**Илмий маслаҳатчи: проф.
Зайналов Ж.Р.**

САМАРҚАНД – 2019

Мундарижа

	Кириш	
I БОБ	Қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришни аҳамияти	
1.1	Халқаро муносабатларни ҳозирги босқичида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш зарурияти	
1.2	Қўшма корхоналар – хўжалик юритишни истикболли шакллари ва унинг мазмуни	
1.3	Қўшма корхоналар фаолиятини тикланишини таъминлашда солиққа тортишнинг оқилона тизимини ташкил этишни аҳамияти	
II БОБ	Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини амалдаги ҳолатини таҳлили	
2.1	Қўшма корхоналарни молиявий натижаларини таҳлили: “Kaplanser Sam” МЧЖ ҚК мисолида	
2.2	“Kaplanser Sam” МЧЖ Қўшма корхонасининг фойдасига таъсир этувчи омиллар таҳлили	
2.3	Молиявий ресурсларни шакллантиришида асосий фаолиятдан кўрилган молиявий натижа – фойдани таҳлили	
III БОБ	Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини барқарор ўсишини бошқаришни такомиллаштириш йўллари	
3.1	Қўшма корхоналарни барқарор ўсишини бошқаришни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш	
3.2	Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини барқарор ўсишини бошқаришда инвестициялар ролини оширишнинг истикболлари	
3.3	Қўшма корхоналар молиявий ресурсларни барқарор ўсишини таъминлаш йўллари	
	Хулоса	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида, халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатишда ишончли ҳамкор, бой табиий-иқтисодий салоҳиятга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитга, катта экспорт салоҳиятига эга юрт сифатида тан олинди.

Шу боис хориж сармоясининг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишига эришишда қўшма корхоналарнинг ролини ошириш зарур.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг ҳал этилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан, унинг муҳим шакли ҳисобланган қўшма корхоналар ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат қўшма корхоналар фаолиятининг молиявий асоси бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш масаласини махсус, чуқур тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан миллий иқтисодиётга хорижий сармоялар жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда, шунингдек, мамлакатимизга инвестициялар киритиш юзасидан мақсадли давлат дастурлари ва лойиҳалари амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимиз бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устивор лойиҳаларни амалга ошириш Харакатлар стратегиясида белгилаб қуйилган чора-тадбирлар доирасида амалга оширилмоқда.

Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган чора-тадбирларни амалга ошириш республикамизда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш, уларнинг молиявий ресурсларини барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш, иқтисодиётга жалб этилаётган жами сармоялар таркибида

қўшма корхоналар ҳиссасини ошириш каби муаммоларни кескин қилиб қўймоқда¹.

Бу муаммоларнинг мавжудлиги иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қўшма корхоналар молиявий ресурслари таркиби, уни шакллантириш манбаларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Г.Н. Белоглазова, А.Б. Борисов, П.И.Вахрин, Г. Грязнова, В.В. Ковалева, П.А.Левчаев, А.С.Нешиной, Б.А. Райзберг, М.Родионова, Е.Б.Страдубцева² ларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Б.А.Абдуганиев, А.В.Ваҳобов, Ж.Р.Зайналов, Н.Ғ.Каримов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Д.Ғ.Ғзбибеков, Н.Ҳ.Ҳайдаров³лар илмий ишларида хорижий инвестицияларни миллий иқтисодийга жалб этишнинг амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда, иқтисодийни модернизациялаш шароитида қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш масаласи мамлакатимиз иқтисодий адабиётида алоҳида, яхлит махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутвор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. ПФ- 4947-сон, 2017 йил 7 февраль. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6 (766)-сон, 70-модда.

² Финансы и кредит. Учебник. под ред. проф. М.В.Романовского и проф. Г.Н.Белоглазовой. – М.: Юрайт-2003. -200 с.; Вахрин П.И., Экономическая теория. Учебник. под ред. Грязновой А.Г. – М.: КНОРУС, 2006. – 464с.; Финансы. Учебник. Изд. второе, перераб. и доп. / под.ред. проф. В.В.Ковалёва – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – 512 с.; Левчаев П.А. Финансовые ресурсы предприятия: теория и методология системного подхода/- Саранск: Изд-во Мордову н-та, 2002. – 104 с., Родионова В.М. Финансовая устойчивость предприятия в условиях инфляции. – М.:Перспектива, 1995. – 102с.

³ Абдуганиев Б.А. Молиявий манбалар ва банк кредитларининг самарадорлиги муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2003. 165 б.; Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Дарслик. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. -334 б.; Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 1998. - 148 б.; Каримов Н.Ғ. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни молаялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Монография. -Тошкент: Фан ва технология,2007. -160 б.; Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. -Т.: Академия, 2003. -63 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менсжмент. - Т.: Академия, 1999. -136 б.; Ғзбибеков Д.Ғ. Иивестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: 2003. -81 б.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодийни эркинлаштириш шароитда корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: ДЖҚА, 2003. -268 б.

Битирув малакавий ишимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Битирув малакавий ишим СамИСИ илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ҳозирги шароитида қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қўшма корхоналарни ташкил этишда халқаро муносабатларни ҳозирги босқичида очик иқтисодиётни вужудга келтириш хусусиятларини ёритиш;

- қўшма корхоналар хўжалик юритишнинг истиқболи шакли эканлигини ёритиш;

- қўшма корхоналар фаолиятини тикланишида солиққа тортиш тизимидан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини ёритиш;

- қўшма корхоналарни молиявий ресурсларини амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва бу борада мавжуд бўлган тенденцияларни аниқлаш;

- қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашни барқарор ўсишини бошқаришни такомиллаштириш йўллариини белгиловчи таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Қўшма корхоналарнинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий ва молиявий муносабатлар тадқиқот ишининг предметиини тшкил этади.

Тадқиқот методлари. БМИ да гуруҳлаш, таркибий таҳлил, қиёсий таҳлил, методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқадиган асосий ҳолатлар:

- қўшма корхоналарнинг молиявий ресурсларини ташкил этишни қиёсий таҳлил қилиш асосида унинг аҳамиятини очиб берилди;

- қўшма корхоналар молиявий ресурсларини самарали фойдаланишда

солиқ тизимни таъсирини муҳим аҳамият касб этишини ёритилди;

- қўшма корхоналар молиявий ресурсларини барқарор ўсишини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

- қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш амалиётига ҳос бўлган тенденциялар (айрим қўшма корхоналар фойдасининг ошиш тенденциясига эга бўлганлиги)

- қўшма корхоналарни даромадларини салмоғининг пасайишига йўл қўймасликнинг зарурлиги асосланди;

- қўшма корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришни рағбатлантириш амалиётини такомиллаштиришнинг зарурлиги аниқланди;

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. БМИ нинг илмий янгилиги қўйидагилада намоён бўлади:

- қўшма корхоналарни молиявий ресурсларини аҳамияти очиб беришга қаратилган хулосалар шакллантирилди;

- қўшма корхоналарнинг молиявий ресурслари барқарорлигини таъминлашни ўзида мужассамлаштирилган хусусиятли белгилари кўрсатиб берилди;

- хорижий давлатларнинг қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш борасидаги тажрибаларидан республикамиз амалиётида фойдаланиш юзасидан фикрлар шакллантирилди;

- қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш амалиётида мавжуд бўлган омиллар аниқланди;

- қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш амалиётида мавжуд бўлган омиллар аниқланди;

- қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш соҳасидаги муаммолар аниқланди ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотдаги илмий ва амалий таклифлардан мамлакатимиздаги

қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ишидаги материаллардан олий ўқув юртларида “Молия”, “Инвестиция” ва бошқа фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар “Kaplanser Sam” МЧЖ ҚК томонидан амалиётга қўллаш учун (2019 йил 24 апрелдаги далолатнома) қабул қилинган.

БМИ нинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар руйхатидан иборат. БМИ ҳажми варақ, ...та расм ва .. та жадваллардан иборат.

I БОБ. Қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришни аҳамияти

1.1. Халқаро муносабатларни ҳозирги босқичида очик иқтисодиётни вужудга келтириш зарурияти

Ўзбекистон Республикасида очик иқтисодиётни ташкил этиш жаҳон хўжалигига узвий боғланишни тақозо этади. Бу йўналишнинг муҳим шarti барча корхоналарнинг ташқи бозорга бевосита чиқа олишларидадир. Ўз олдимизга қўйган узок муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир.

XXI аснинг бошларида иқтисодий ривожланишининг туб сифат ўзгаришлари халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичдаги хусусиятларини белгилаб берди.

Биринчидан, халқаро айирбошлашнинг таркибий тузилиши сезиларли даражада ўзгарди: мамлакатлар маҳсулотлар айирбошлашдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо-сотик олиб боришга ўтдилар.

Иккинчидан, капитални четга чиқарилишининг кучайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлашни кенгайтиши ташқи иқтисодий фаолиятни мамлакатлараро уйғунлашувига олиб келди.


Ташқи иқтисодий сиёсат – миллий жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

- товар ва хизматлар ташқи савдоси;
- инвестициялар айирбошлаш (киритиш ва чиқариш);

- ишчи кучи экспорти ва импорти;
- халқаро жорий ҳамкорлик;
- илмий-техник ва гуманитар ҳамкорлик.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг макон жиҳати жаҳон ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг асосий йўналишлари бўйича давлатнинг ҳаракатларини белгилайди. Ушбу белгига биноан давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти таркибига ташқи савдо сиёсати, ташқи инвестиция сиёсати, валюта сиёсати, божхона сиёсати киради (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий шакллари⁴.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишни дастлабки босқичи

⁴ Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари учун очик иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтириш ва унинг зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий негизларини яратиш йиллари бўлди.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий- техникавий ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонни дунёдаги 180 тадан ортиқ давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30 дан ортиқ мамлакатларнинг, шу жумладан, буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида (АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқаларда) республикамизнинг дипломатия элчихоналари иш бошлади.

“Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 880,2 миллион АҚШ доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди”⁵.

2018 йил январь-июль ойлари яқунларига кўра, республикада ташқи савдо айланмаси 17,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоизга ўсди. Шу жумладан, экспорт ҳажми 7,6 млрд. АҚШ долларга (ўсиш суръати 15,7 фоиз) ва импорт ҳажми деярли 10,2 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати 31,4 фоиз) етди. Ташқи савдо сальдоси минус 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

2018 йил январь-июль ойларида республика ташқи савдо айланмасида энг катта улушга эга давлатлар кетма-кетлиги жорий йилнинг январь-июнь

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари бўйича.

ойларига нисбатан деярли ўзгаришсиз қолди. 2017 йил январь-июль ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 34,5 фоизни ташкил қилган эди. Республикада ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йил январь-июль ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 38,5 фоизга етди.

2017 йилнинг январь-июль ойларида 65,5 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмаси 61,5 фоизга тушди.

2018 йил январь-июль ойларида экспорт ҳажми 7,6 млрд. АҚШ долларга (ўсиш суръати 15,7 фоиз) тенг бўлди. Экспорт таркибида товарлар улуши 77,8 фоизни ташкил этиб, булар асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари (19,2 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (8,7 фоиз), шунингдек, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (6,9 фоиз) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хизматлар экспорти ҳажми 1693,4 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 22,2 фоизини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,3 фоизга ўсганлиги кузатилди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари, молиявий хизматларидан иборат.

Республикадан экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 34,9 фоизини ташкил қилади. Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

2018 йилнинг январь-июль ойларида жами 690,5 минг тоннадан зиёд

мева-сабзавот маҳсулотлари 527,4 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати 74,0 фоиз).

Мева-сабзавот маҳсулотларининг таркибига қаралса, 463 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 204,4 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 мартага кўпроқ миқдор (тонна)даги, 171,7 минг тоннамева ва резаворлар 270,8 млн. АҚШ долларига (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38,9 минг тонна кўп) экспорт қилинган.

2018 йилнинг ўтган даври мобайнида 762,2 млн. АҚШ доллари миқдорида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 16,6 фоизга ўсиб, умумий экспорт ҳажмининг 10,0 фоизини ташкил қилди. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибидан пахтадан йигирилган ип (58,0 фоиз), тайёр тўқима матолар ва тикувчилик кийимлари (22,6 фоиз) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 297 турдан ортиқ маҳсулотлар дунёнинг 52 та давлатига экспорт қилинди.

Жорий йилнинг январь-июль ойларида импорт ҳажми 10,2 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати 31,4 фоиз) тенг бўлди. Импорт таркибида энг ката улуш машина ва асбоб ускуналар (39,4 фоиз), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (13,4 фоиз) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари (9,6 фоиз) гуруҳлари ҳисобига тўғри келди.

Хизматлар импорти ҳажми 1257,0 млн. АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 12,4 фоизини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,5 фоизга ўсди. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуштуруризм хизматлари, транспорт хизматлари, қурилиш хизматлари ва телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматларидан иборат бўлди.

2018 йилнинг январь-июль ойларида республикага 145 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган. Шулардан 5 та энг йирик бўлган Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Корея Республикаси ва Туркия ҳамкор давлатларидан жами

импорт ҳажми 6264,5 млн. АҚШ долларига тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 61,7 фоизини ташкил қилади.

2018 йилнинг ўтган даври мобайнида республика импорт қилинаётган товарлар ҳажми июль ойида энг юқори кўрсаткични қайд этиб, июль ойида июнь ойига нисбатан қиймати 146,7 млн. АҚШ долларига кўпроқ товарлар импорт қилинди ва 1411,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди⁶.

2018 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўткази бошлади.

Кўпгина халқаро ташкилотлар - БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.⁷

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарларида республикамиз ташқи иқтисодий сиёсати қуйидаги принципларга асосланиши белгилаб берилган:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи муносабатларда ошкоралик;

- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

- ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро

⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2018/08/13/tashqi/>

⁷ Каримов И. А. Асрларга тенг йиллар. - Т., 2001, - 47-53 бетлар.

манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

- тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;

- умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва халқаро тартибларга изчиллик билан ўтиш»⁸.

Ушбу йўналиш доирасида олиб борилган амалий ишлар натижасида экспорт-импорт билан шуғулланувчи тадбиркорларни рўйхатга олиш амалиётининг соддалаштирилиши; ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида импорт контрактларини дастлабки рўйхатга олишнинг бекор қилиниши; кўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан озод қилинган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан рақобатбардош тайёр истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чораларнинг қўлланилиши; Давлат божхона Қўмитаси, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ўртасида ташқи савдо амалиётларини айирбошлашнинг ягона электрон тизимининг яратилиши; жорий халқаро амалиётлар бўйича миллий валютани (сўмни) эркин айирбошлаш, конвертациянинг киритилиши; юридик шахслар, шунингдек, экспорт-импорт амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар учун ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини импорт қилишда божхона тўлови ставкаси нолга тенглаштирилиши бўлди.

2019 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори 17,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда.

Бугунги кунда хорижий инвестицияли корхоналарни жалб қилишнинг

⁸ Каримов И. А. “Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 211 б.

бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;
- 100% мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларидан бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик, шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ долларига тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуролланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Хитой Халқ Республикаси имтиёзли кредитлари ҳисобига амалга оширилган йирик ижтимоий муҳим

лойиҳаларнинг бажарилиши яқунланди. Натижада 15 та йўловчи электровозлари харид қилинди, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларидаги сув чиқариш ускуналарининг қуввати 12,9 минг куб, метрга оширилди, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг аҳоли яшаш жойлари сув билан таъминланди, умумий қиймати 39,5 млн. долл.га тенг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари харид қилинди.

Ўтган ўн йил давомида қуйдаги йирик саноат объектлари ишга туширилди:

- Кореянинг “KOMSKO” ва “ДЭУ Интернешнл” компаниялари иштирокида Янгийўл қоғоз-целлюлоза фабрикаси негизида пахта целлюлозаси ишлаб чиқариш ташкиллаштирилди;

- МЧЖ “Asia Trade” қўшма корхонаси - Британиянинг «Beatrix Management Ltd» ва «Trans Trading Sytsems L.P.» компаниялари иштирокида бир маротаба ишлатладиган тиббиёт ашёларини ишлаб чиқариш заводи ташкил этилди;

- МЧЖ «Xim-Teks-Trade» компанияси билан ҳамкорликда «BULUT TEXTILE» қўшма корхонаси негизида йигирув саноати ташкиллаштирилди;

- «Indorama Indutsry Pte. LTD» (Сингапур) компанияси билан ҳамкорликда Қўқон текстил фабрикаси негизида йигирув саноати ташкиллаштирилди;

- «AKAFOM» (Кипр) компаниясининг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобига «OREINT TECHNOLOGY» (Нукус ш.) қўшма корхонаси негизида чарм қайта ишлаш ташкиллаштирилди;

- «SHIGUO» (Хитой) хорижий корхонаси сармояси иштирокида «Янги Вега» қўшма корхонасида пойабзал фабрикаси замонавийлаштирилди.

**Ўзбекистон Республикасининг 2015-2017 йилларда ташқи
савдо айланмасининг таркибий ҳолати**

	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Ташқи савдо айланмаси	100	100	100
Экспорт	50,2	49,9	51,6
Импорт	49,8	50,1	48,4
Экспорт таркиби	100	100	100
Шу жумладан:			
Пахта толаси	5,9	5,3	3,4
Озиқ овқат маҳсулотлари	10,5	5,7	6,3
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	4,9	6,9	6,3
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	21,4	14,2	13,8
Қора ва рангли металллар	6,6	5,9	6,6
Машина ва асбоб ускуналар	1,3	1,8	2,5
Хизматлар	24,5	25,8	25,4
бошқалар	24,9	34,4	37,7
Импорт таркиби	100	100	100
Озиқ овқат маҳсулотлари	12,8	11,9	9,8
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	17	17,5	16,4
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	5,8	4,8	5,7
Қора ва рангли металллар	7,4	7,6	9,8
Машина ва асбоб ускуналар	40,5	41,3	38,7
Хизматлар	7,7	6,7	7,8
бошқалар	8,8	10,2	11,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Мазкур 1-жадвал маълумотларига кўра, мамлакат импорт салоҳиятида тайёр маҳсулотларнинг улуши йилдан-йилга камайши кузатилмоқда. Агар 2016 йилда истеъмол моллари импорт улуши салкам 11,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда эса 9,8 фоизни ташкил этиб, 2,1 пунктга камайган. Шунингдек, бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам салкам 2 пунктга камайганлиги кузатилган.

Таъкидлаш жоизки импорт ҳажмида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бутловчи, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи мойлар, қора ва рангли металллар улушининг ҳиссаси нисбатан ошиб борган. Масалан, кимёвий маҳсулотлар ва улардан ясалган буюмлар таҳлил қилинаётган йилларда 1,1 фоизга, машина ва ускуналар 2,1 фоизга камайган бўлсада, аммо ёқилғи ва нефть маҳсулотлари мос равишда 0,9 фоизга ва хизматлар ҳажми эса 1,1 фоизга ўсган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг таҳлили асосида 2017 йилнинг январь–декабрь ойлари ҳолатига кўра молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми 60 719,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди. Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, жорий даврда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келди – 34 057,3 млрд сўм ёки жами ўзлаштирилган инвестицияларининг 56 фоизи, корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан эса 26 673,5 млрд. сўм ёки жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 44 фоизи ўзлаштирилди⁹.

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қилган Мурожаатномасида “2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади”¹⁰ – таъкидлаб ўтганлар.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш - бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

1.2. Қўшма корхоналар – хўжалик юритишни истиқболли шакллари ва унинг мазмуни


Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларни кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим устувор йўналишдир.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 339,0 мингтага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,8 мингтага ёки 12,9 % ошган. Жумладан 265,0 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 72,4 мингта,

¹⁰ Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисида Мурожаатномаси
https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/prezidentning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_elon_qilindi

оилавий корхоналар – 15,5 минг, масъулияти чекланган жамиятлар – 170,2 мингта ва бошқалар 6,9 мингтани ташкил этганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг сони¹¹




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 22,1 %, савдо, 17,5 % саноат, 9,0 % қурилиш, 7,7 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,1 % ташиш ва сақлаш, 2,2 % ахборот ва алоқа соҳасида, 2,0 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ва 29,2 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган

Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (60 656 та), Тошкент (25 669 та), Фарғона (23 446 та), Андижон (22 692 та) ва Самарқанд (19750 та) вилоятларида. Сирдарё (8363 та), Навоий (9181 та) ва Жиззах (11 239 та)

¹¹Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

вилоятларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги кузатилади. 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Ташкилий ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг сони, минг бирликда¹²



Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4006 таси қўшма, 3554 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида 4728 та (жамидидаги улуши 62,5 %), Тошкент 851 та (11,3 %) ва Самарқанд вилоятида 396 тани (5,3 %) ташкил этган. Энг кам Хоразм вилоятида 71 та (0,9 %), Қашқадарёда 85 та

¹²Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

(1,1 %), Навоий вилоятида 109 та (1,5 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 121 тани (1,6 %) ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда¹³



Агар 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда 2995 та (39,6 %), савдода 1668 та (22,0 %) ҳамда бошқа фаолият турларида эса 1225 тани (16,2 %) ташкил қилган. Энг камлари эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 97 та (1,3 %), ахборот ва алоқада 209 та (2,8 %), ташиш ва сақлашда 214 та (2,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 339 тани (4,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 325 тани (4,3 %) ва қурилишда 488 тани (6,5 %) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда

¹³Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

ахборот ва алоқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда¹⁴




2018 йилнинг январь - декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2385 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1522 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 428 та, Туркия Республикаси – 364 та, Хитой Халқ Республикаси - 351 та, Қозоғистон Республикаси – 246 та ва Корея Республикаси – 161 та ҳамда 835 таси бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, 2018 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари томонидан кўшма фаолиятга қизиқиш билдиришган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг давлатлар кесимида улуши, %
(2018 йил январь-декабрь ҳолатига)¹⁵**



Мамлакат миллий ишлаб чиқариш кучларининг бошқа давлатларга тарқалиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг тарихан шаклланган хусусиятларидан бири ҳисобланади. Табиий ресурслар ва аҳолининг нотекис жойлашгани, илмий-техник салоҳият ва ишчи кучидаги фарқликлар, турли мамлакатлар ишлаб чиқаришининг ихтисослашганлиги халқаро меҳнат тақсимоти алоҳида минтақаларга тегишли ишлаб чиқариш кучларининг ўзаро тўлдирувчанлик ғояси асосида бирлашишига сабаб бўлади. Шунинг учун иқтисодиётнинг глобаллашиш жараёнида деярли барча соҳаларда, шу жумладан, ишлаб чиқаришда ҳам жозибадор қўшма инвестицион лойиҳаларга¹⁶ ҳамда давлатлараро ҳамкорликка бўлган эҳтиёж кундан-кунга

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

¹⁶ Абдураупов Р.Р. Основы привлекательности инвестиционных проектов в условиях мирового финансового кризиса //Сборник научных трудов: Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики. — М.: МГУ, 2009. — С. 206-207.

ошиб бормоқда. Бундай шароитда иқтисодий муносабатларда халқаро меҳнат тақсимотининг устунликларидан тўлароқ фойдаланиш имкониятини берувчи янги ҳамкорлик шакллари пайдо бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациясини ташкил қилиш шаклларидан бири қўшма корхоналар ҳисобланади. Б.З.Мильнернинг эътирофи этишича: «...ушбу Г хўжалик юрителининг истиқболли шакли 1970-80 йилларда Ғарбий Европа ва Осиё, кейинчалик эса Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ давлатларида тарқала бошлади»¹⁷.

Илмий манбаларда ишлатиладиган «қўшма корхона» ёки «халқаро қўшма корхона» тушунчаларини қийдагича таърифлаш мақсадга мувофиқ, яъни — иқтисодий самарадорликни максималлаштириш ва натижадан тегишли улушга эга бўлиш мақсадида ишлаб чиқариш, илмий-техник, савдо, хизмат кўрсатишда бошқа фаолиятларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий, номоддий, молиявий ва табиий ресурсларга хорижий шериклар билан мулкчилик муносабати асосида, шунингдек, иқтисодий-ҳуқуқий ҳамкорликка асосланган ҳамда тегишли расмий талабларга жавоб берувчи хўжалик юрители шакли қўшма корхона тушунчаси мазмунини тўғри ифодалайди.

Хорижий шерикларнинг мақсади, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- нисбатан арзон ёки камёб минерал, хом ашё, энергетика ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- янги бозорга кириш ва уни эгаллаш;
- малакали ва арзон ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш;
- жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган арзон товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- илмий тадқиқотлар ва техник ишланмалар натижаларини янги турдаги товарларни яратиш учун жорий қилиш.

¹⁷ Мильнер Б.З. Теория организаций: учебник/Б.З. Мильнер. 2-е изд. перераб. и доп. — М.: ИНФРА- М, 2002. - С. 480.

Шу билан бирга, миллий ҳамкор қўшма корхоналарга хорижий капитални жалб қилиш ҳисобидан қуйидагиларга интилади:

- хорижий илғор технологиялардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиш;
- ички молиявий, иқтисодий манбаларини тўлдириш;
- хорижий бошқарувтажрибасидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ўлдириш угун фойдаланиш;
- арзон кредит ресурсларидан фойдаланиш;
- тайёр саноат маҳсулоти экспортини кенгайтириш;
- фирма имижини ошириш ва ҳоказо.

Демак, ташкил этилаётган қўшма корхоналар мамлакатга янги техника ва технологиялар, халқаро маркетингнинг замонавий усулларини ва илғор бошқарув тажрибасини жалб этишда ижобий таъсир кўрсатади. Қўшма корхоналарга киритиладиган хорижий сармоялар оқими эса мамлакатимизда илмий-техник тараққиётнинг жадаллаштирилишига олиб келадиган йўналишларда моддий, номоддий ва молиявий ресурсларни жамлаш усулларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон миқёсида машҳур қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилиши жараёнларида пайдо бўлган қийинчиликларни танқидий таҳлилин аналга ошириш натижасида уларни ривожлантириш модели¹⁸ тузилди ҳамда улар фаолиятини мувафаққиятли ташкил этиш омилларини ажратиб кўрсатиш имкони пайдо бўлди.

Қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашнинг назарий ва услубий асослари хусусида иқтисодий адабиётда турли илмий қарашлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «Корхона - юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш учун ташкил этилади, иқтисодий фаолиятнинг хилма-хил турлари билан шуғулланади. Давлат, муниципал, жамоа, қўшма, якка (оила, хусусий)

корхоналар бор»¹⁹, - дея таърифланади. Мазкур таърифнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда корхонанинг «қўшма корхона» шаклида ҳам ташкил этилиши эътироф этилган. Чунки, қўшма корхонага берилган таърифларнинг аксариятида мазкур масала эътибордан четда қолган. Россиялик иқтисодчи Л.М.Макаревич «Корхона - мустақил хўжалик юритувчи субъекти бўлиб, истеъмол талабини қондириш ва фойда олиш мақсадида қонунчилик асосида ташкил этилади, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади»²⁰, - деб таъриф беради. Муаллиф ушбу таърифда қўшма корхоналарни эътибордан четда қолдирганлиги кўриниб турибди.

Россиялик олимлар Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Страдубцевалар «қўшма корхона (ҚК) асосан юридик шахслар томонидан, маҳаллий корхоналар ёки хорижий ҳамкорларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан таъсисчи жойлашган мамлакатда ташкил этилган хўжалик ташкилотидир. Мулккий шакли жиҳатидан акциядорлик, масъулияти чекланган ёки шерикчилик кўринишида бўлиши мумкин»²¹, - дея таъриф беришган. Муаллифлар томонидан «қўшма корхона»га берилган таъриф айрим чекланишлардан ҳоли эмаслиги кўриниб турибди. Жумладан, эътиборни таърифда «таъсисчи жойлашган мамлакатда ташкил этилган», -дея қайд этилган жумла мунозаралидир. Назаримизда, мазкур жумла қўшма корхоналарнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга бевосита хизмат қилмайди. Чунки, қўшма корхонанинг таъсисчиси иккинчи мамлакатда жойлашган бўлиб, унинг ўзи бошқа мамлакат ҳудудида ташкил этилиши амалиётдан маълум.

А.Б.Борисов томонидан тузилган «Катта иқтисодий луғат»да «Қўшма корхона (ҚК) икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар томонидан ташкил топган хўжалик юритиш шаклидир. ҚК маҳаллий тадбиркорлар ёки хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилади. Таъсисчилардан бири жисмоний

¹⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2003. - Б. 48.

²⁰ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Страдубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 4-изд., перераб. и доп. - М.: Инфра.М, 2005. -С. 235.

²¹ Борисов А.Б. Большой экономический словарь. - М.: Клижнмй мир, 2005. - С. 126.

шахс бўлиши мумкин. Қўшма корхона устав капиталининг ҳамкорликда шакллантирилиши ва таъсисчилардан бири жойлашган ҳудудда ташкил этилиши унинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан далолат беради»²², - дея таърифланган. Фикримизча, қўшма корхонага берилган мазкур таъриф мантиқий жиҳатдан бир-бирига узвий боғланмаган. Шу билан бирга, қўшма корхонанинг таъсисчиларидан фақат бири эмас, иккаласи ҳам жисмоний шахслар бўлиши мумкин, яъни иккита мамлакатнинг вакили ҳисобланган жисмоний шахслар ўз маблағларини қўшма корхонанинг устав капиталига киритиш асосида уни ташкил этиши ҳам мумкинлиги эътироф этилмаган.

Юридик шахс бўлган, маҳаллий ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, фойда олиш мақсадида ташкил этилаётган мамлакатнинг қонунчилик талаблари асосида тузилган хўжалик юритувчи субъектга қўшма корхона дейилади.

Иқтисодий адабиётдаги турли ёндашувларни таҳлил қилиш ва уларни умумлаштириш асосида қўшма корхоналарнинг молиявий ресурслари мазмуни бўйича қуйидаги таъриф шакллантирилди: Ўзлик ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топиб, молиявий мажбуриятларни бажаришга, фаолиятни ташкил этиш ва кенгайтириш билан боғлиқ харажатларни амалга оширишга ҳамда иқтисодий фойда олишга мўлжалланган молиявий маблағлар йиғиндисига қўшма корхонанинг молиявий ресурслари деб аталади.

1.3. Қўшма корхонлар фаолиятини тикланишини таъминлашда солиққа тортишнинг оқилона тизимини ташкил этишни аҳамияти

Ҳозирги кунда республикаимиз ҳукумати чет эл инвесторларини жалб этишда кўп ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қўшма тадбиркорлик ва хорижий капитални жалб қилиш ва уларга имтиёзлар беришга қаратилган Президент Фармонлари

²² Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.:Книжкй мир, 2005. – С.126.

ва бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши чет эл сармояларини жалб қилишни янада жадаллаштириб, бу соҳада туб ўзгариш ясаши шубҳасиздир. Шунингдек, улар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий ҳуқуқларини янада кенгайтириб, фаолиятини рағбатлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида солиқ соҳасида ҳамма шароитлар яратилган, салмоқли имтиёзлар берилган, - десак муболаға бўлмайди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда илк бор 2000 йил 1 январдан бошлаб хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқарувчи корхоналар учун жами фойдаланилаётган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар қийматининг салмоғига қараб даромад (фойда) солиғи ставкасига нисбатан пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилади²³.

Янги ташкил этилган корхоналарнинг ваколатхоналари, филиаллари ва шуъба корхоналари (биржалар, тайёрлов, улгуржи таъминот - сотиш, воситачилик, савдо, тижорат корхоналаридан ташқари) ўзлари ташкил этган вақтдан бошлаб, биринчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи ва иккинчи йили - 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар.

Шунингдек, 2000 йил 1 июлидан бошлаб, экспорт қилувчи қўшма корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинган. (Мазкур имтиёз эркин алмаштириладиган валютага хом ашё маҳсулотлари - пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефт, нефт маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар экспорт қилувчи савдо воситачилик корхоналарига, шунингдек, ишлаб чиқариш

²³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ- камасининг 1999 йил 31 декабрда- ги №554 «2000 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳақида»ги қарори, 14-илова.

корхоналарига татбиқ қилинмайди)²⁴.

Агар ишлаб чиқариш ҳажми 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 5 йил муддат мобайнида даромад (фойда)дан олинадиган солиқдан озод этилади. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг даромад (фойда)дан олинадиган солиғи амалдагига нисбатан 2 баравар камайтирилган ставка бўйича ундириб олинади:

- агар корхонанинг низом фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 2 йил муддат мобайнида даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тўлашдан озод этилади.

Шундай бўлсада, бизда, қўшма корхоналардан олинадиган солиқлар ва уларни такомиллаштириш масаласи юзасидан қуйидаги таклифлар мавжуд:

Биринчидан, солиқ ставкаларини қўшма корхонанинг жойлашган ҳудудига қараб белгилаш. Ҳозирги кунда қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 92 фоизидан кўпроғи Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона ва Навоий вилоятларига тўғри келмоқда. Шундан 50,3 фоиз Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига, 29,8 фоиз Андижон вилоятига, 1,3 фоиз Наманган вилоятига, 2,5 фоиз Фарғона вилоятига ва 8.8 фоиз Навоий вилоятига тўғри келади. Республикаимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси (0,15 фоиз), Сирдарё (0,17 фоиз), Жиззах (0,26 фоиз), Бухоро (0,34 фоиз), ва Сурхондарё вилоятларида (0,48 фоиз) қўшма корхоналарни ташкил этиш ниҳоятда сустрелик билан олиб борилмоқда²⁵. Менинг таклифим ана шу вилоятларда ҳам, қолаверса республикаимизнинг барча туман ва шаҳарларида, тоғли ва чўл зоналарида ҳам қўшма корхоналарни очишга имкон яратилса. Бунинг учун эса Германия мамлакати тажрибасидан

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2000 йил 20 июн.

²⁵ 1999 йил учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. // Статистик тўплам. Т., 2000 йил, 89-бет.

фойдаланиш мумкиндир. Германияда юқори даромад келтирувчи ва анча ривожланган ерларда, яъни Ғарбий Германияда (Бавария, Вюртембург, Рейн-Вестфалия) жойлашган қўшма корхоналар учун анча юқори бўлган даромад (фойда) солиқ ставкалари амал қилади. Ривожланиш жиҳатдан анча суст бўлган ва кам даромад келтирувчи ерларда, яъни Шарқий Германияда (Қуйи Саксония, Шлезвинг-Гольштейн) жойлашган қўшма корхоналар учун нисбатан паст бўлган даромад (фойда) ставкалари қўлланилади. Бизда ҳам мана шундай томонларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккикчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунчилигига биноан хорижий инвестиция асосида фаолият юритадиган корхоналар, уларнинг бўлимлари, юридик мақомга эга бўлса, бошқа мулк шаклидаги корхоналарга ўхшаб, белгиланган мажбурий солиқ ва тўлов турларидан давлат бюджетига солиқлар тўлаб туради. Аммо қўшма корхоналар учун бюджетга солиқ тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Қўшма корхонани солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари ва бошқа механизмлар хорижий инвестицияли корхонани ташкил қилган хусусиятларнинг низом фондидаги улушларига, унинг катталигига, ишлаб чиқараётган маҳсулотларига қараб белгиланади.

Ҳозирги кунда қўшма корхоналар учун даромад (фойда) солиғи бўйича белгиланган тартибдаги солиққа тортиш механизмининг ўзига хос қулайлик ва давлат бюджетига ўтказишнинг анча осон томонлари мавжуд. Лекин, бизнинг фикримизча масаланинг иккинчи бир салбий томони мавжудки, у ҳам бўлса, солиққа тортиш дифференциацияси ўртасидаги фарқ жуда каттадир. Бу фарқ нимада, деган саволни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Амалда қўлланилиб келаётган солиқ ундириш тартибидан кўриниб турибдики, низом фондидаги томонлар улушининг арзимаган 1 фоизга ёки бўлмаса низом фондидаги белгиланган миқдорнинг катталигидан 1 долларга ошиши ёки кам бўлиши корхона учун сезиларли ҳолда солиқ имтиёзи бераяпти ва аксинча, имтиёздан маҳрум қилмоқда. Бу ҳолат корхона учун ҳам, бюджет учун ҳам қандай молиявий таъсир кўрсатиши яққол кўриниб

турибди.

Ушбу масала юзасидан биз Ўзбекистонда кўшма корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантиришда оффшорлик тизимини татбиқ этишни таклиф қиламиз. Оффшорлик ҳудудлари эркин иқтисодий ҳудуд кўринишларидан бири бўлиб, халқаро бозор иқтисодиёти шароитида кенг қўлланилади. Оффшорлик ҳудудлари ўз маъноси жиҳатидан «солиқ бандаргоҳи» деган маънони англатади. У асосан, эркин иқтисодий ҳудудларнинг таркибида ташкил этилиб, уларга бу ҳудуддаги хўжалик субъектларига нисбатан солиқ божхона имтиёзлари кўпроқ қўлланилиши билан фарқ қилади.

Шу ўринда бизнинг таклифимиз - Республикамизда, оффшорлик тизимига амал қилган ҳолда, солиқ дифференциациясини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таклифга кўра, солиқ ставкаси юридик шахслар даромадига (фойдасига) белгиланганлиги бўйича 26 фоиз бўлиб, бироқ хорижий инвесторнинг улушдан келиб чиққан ҳолда солиқ суммага нисбатан дифференциацияси ўрнатилса талабга жавоб берган бўлар эди.

Ҳар қандай кўшма корхона, агарда у бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлса, уларни даромад (фойда) солиғига тортиш хорижий инвесторнинг низом фондидаги улуши 30 фоиздан - 90 фоизгача дифференциацияланиши мумкин.

Бу билан шуни таъкидламоқчимизки, хорижий инвесторнинг кўшма корхона низом фондидаги улуши 30 фоиздан қанчалик юқори бўлса, солиқ суммасидан шунчалик кўп солиқ имтиёзи берилади.

Бир қарашда бундай ҳисоблашлар солиқ инспектори учун маълум бир қийинчиликлар туғдиргандай туюлади, аслида эса бунинг акси бўлиб, унинг бир қанча ўзига хос ижобий томонлари мавжуд:

1. Энг аввало, бу ҳолда кўшма корхона учун ҳам, бюджет учун ҳам ижтимоий-иқтисодий адолат тамойили амалга оширилади.
2. Такомиллашган солиқ тизимининг оддийлик ва ҳолислик тамойилига ҳам амал қилади. Чунки бу ҳисоб-китобни амалга оширишда

катъий даромад (фойда) солиғи ставкасига асосланган ҳолда, солиқ дифференциациясидан фойдаланилади.

з. Хорижий инвесторнинг қўшма корхона низом фондидаги улушига қараб, уни рағбатлантириш ва янада қизиқтириш мақсадида, қолаверса хориж инвестициясини иложи борича кенг қўламда низом фондига жалб этиш мақсадида, уларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Республикамизда ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширила бориши туфайли қўшма корхоналарнинг барпо этилишига ва ривожланишига катта аҳамият берилаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Юртимизнинг иқтисодий ўсиши учун ўлкан салоҳият мавжуд, бунинг учун эса хорижий инвестицияларин жалб этиши, улар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг фаолияти гуркираб ривожланиши зарурдир.

II БОБ Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини амалдаги холатини тахлили

2.1. Қўшма корхоналарни молиявий натижаларини тахлили:

“Kaplanser Sam” МЧЖ ҚК мисолида

Республикада хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали жаҳон, ички бозорларда харидоргир тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика соҳасидаги товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятлари юқоридир. Бу соҳани ривожлантиришда мамлакатимизда қўшма корхоналарга берилаётган имтиёзлар ўз самарасини бермоқда.

Қўшма корхоналар ўзининг асосий мақсадларига эришишда молиявий натижалар тахлили муҳим аҳамият касб этади. Қўшма корхонанинг молиявий натижалари тахлили «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл) маълумотлари асосида амалга оширилади.

Молиявий натижа фойда ёки зарар шаклида бўлади. Қўшма корхонанинг барча даромадларидан жами харажатларини айириш орқали фойда (зарар) ҳосил бўлади.

$$\frac{\sum \text{ДАРОМАД}}{\sum \text{ХАРАЖАТ}}$$

Даромад > 1 бўлса, соф фойда, бунинг акси бўлган ҳолларда зарарни ташкил этади.

Фойдани тахлил этишдан мақсад — молиявий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган вариантларга таянган ҳолда бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва улардан амалда фойдаланиш туфайли молиявий натижаларни барқарор ўсишига эришишдир. Фойданинг моҳияти куйидагилардан иборат:

- корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатли ривожланишининг асосий манбаи;

- бозор қиймати ўсишининг асосий манбаи;
- кредитга лаёқатлиликини ифодаловчи кўрсаткич;
- мулк эгасининг асосий мақсади;
- рақобатбардошлик мезони;
- ижтимоий эҳтиёжларни қондириш манбаи.

Молиявий натижаларни таҳлил этишдан мақсад амалдаги молиявий ҳисобот шаклларидаш амалий маълумотларга таянган ҳолда фойда ва рентабелликини таҳлил этиш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Молиявий натижалар таҳлили аввало даромад, харажатлар таркиби, тузилиши ва динамикасини горизонтал, вертикал усуллари қўллаган ҳолда ўрганеди. Бундай таҳлил учун амалий маълумотлар 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» да ўз аксини топган.

Қуйида “KAPLANSER-SAM” МЧЖ ҚК ишлаб чиқариш корхонасининг (шартли равишда номланди) 2017-2018 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили амалга оширилган.

2-жадвал

**“KAPLANSER-SAM” МЧЖ ҚК Молиявий натижалар
тўғрисидаги ҳисобот²⁶**

(минг.сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтгай йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврда	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар	Даромадлар (фойда)	Харажатлар
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум	010	2500687	X	9215766	X
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннари	020	X	1503263	X	5874948
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишидан олинган ялпи фойда	030	997424	X	1340828	
Давр харажатлари, жами	040	X	150628	X	156289

²⁶ “KAPLANSER-SAM” МЧЖ ҚК ҳисобот маълумотлари

(сатр 050+060+070+080), шу жумладан:					
Сотиш харажатлари	050	X	3856	X	15627
Маъмурий харажатлар	060	X	32797	X	42288
Бошқа операцион харажатлар	070	X	113975	X	98374
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган хисобот даври харажати	080	X		X	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	35826	X	486	X
Асосий фаолият фойдаси (зарари) (сатр 030— 040+090)	100	882622	X	3185017	X
Молиявий фаолият даромади, жами (сатр 120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	499022	X	32913	X
Дивидендлар шаклидаги даромад	120		X		X
Фоизлар шаклидаги даромад	130	0	X	0	X
Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан олинган даромад	140				
Валюта курси фаркидан олинган даромад	150	499022	X	32913	
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромади	160				
Молиявий фаолият бўйича харажат (сатр 180+190+200+210) шу жумладан:	170	X	534567	X	2698230
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	X	70332	X	194577
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажат	190	X		X	
Валюта курси фаркидан зарар	200	X	464235	X	2503653

Молиявий фаолият бўйича бошқа харажат	210	X		X	
Умумхўжалик фаолияти фойдаси	220	847077		519700	
Фавкулудда фойда ва зарар	230				
Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда	240	847077		519700	
Даромад (фойда) солиғи	250	X		X	
Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар	260	X		X	70651
Соф фойда (зарар)	270	847077		449049	

*Муаллиф томонидан ишланган.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики қўшма корхонада сотиш ҳажмининг камайиши, молиявий фаолиятдан кўрилган даромад қисқарган ҳолда, харажат ортиши туфайли фойданинг барча шакллари ўтган йилга нисбатан кескин камайган.

3-жадвал

**“KAPLANSER-SAM” МЧЖ ҚК сининг даромадини таркиби,
тузилиши ва динамикаси таҳлили**

Кўрсаткичлар	Даромад таркиби, минг сўм			Ўсиш суръати, %	Даромад тузилиши, %		
	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши		Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши
Даромад, жами Шу жумладан	1532272	3374219	1841947	61,4	100	100	
1. Маҳсулот сотишдан келган тушум	997424	3340820	+2343396	335	65,1	99,0	+33,9
2. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромад	35826	486	35340	1,4	2,3	0,1	-2,2
3. Дивидендлар шаклидаги даромад	0	0	0	0	0		0

4. Фоизлар шаклидаги даромад	0	0	0		0	0	0
5. Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан олинган даромад	0	0	0		0	0	0
6. Валюта курси фарқидан олинган даромад	499022	32913	-466109	6,6	32,6	0,97	-31,63
7. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0	0	0		0		0
8. Фавқулотда фойда	0	0	0				

*Муаллиф томонидан ишланган

3-жадвал маълумотлари асосида қилинган хулоса шуни кўрсатадики кўшма корхонада жами даромад манбалари 3374219 минг. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1841947 минг сўмга ёки 38,6 % га ўсган. Жами даромад таркибидаги маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган тушум салмоғи ўтган йилдаги 65,1 %дан ҳисобот йилига келиб 99,0 %га қадар кўтарилган ҳолда мутлақ суммада 2343396 минг сўмга кўпайган. Даромад таркибидаги асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлари, валюта курси ўзгаришидан кўрилган даромад 33399 (32913+486) минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 430796 (35340-466109) минг сўмга камайган. Даромадни ташкил этувчи бошқа манбалардан тушум мутлоқ суммада ва нисбий кўрсаткичларда ўтган йилга нисбатан пасайиши рўй берган.

Кўшма корхонанинг жами харажатлари (4-жадвал) ўтган йилга нисбатан +6611660 минг сўмга ёки қарийб тўрт баробарга ошган. Асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ харажат, давр харажати, молиявий фаолият харажати бўйича ҳам ўтган йилга нисбатан пасайиш рўй берган. Давр харажатлари ҳисобот даврида 156289 (15627+42288+98374) минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 5661 (3856+32797+113975=150628) минг сўмга ошган. Жами харажат таркибидаги сотилган маҳсулот таннархи улуши 68,7 % дан 86,8 %га қадар кўтарилган ҳолда, давр харажатлари 6,9

(150628*100:2188458) %дан 1,8 (156289*100:8800118) %га қадар пасайган. Сотиш ҳажми ўсган ҳолда сотиш билан боғлиқ харажатларнинг 11771 минг сўмга ортиши оқланмаган харажат деб қаралади. Молиявий фаолият таркибидаги фоизлар шаклидаги харажатлар ҳам 70332 минг сўмдан 194577 минг сўмга қадар, яъни 124245 минг сўмга ортган. Аммо унинг жами харажатлардаги улуши 3,2 %дан 2,2%га қадар пасайган. Сотишдан келган тушумнинг ҳар сўмига тўғри келадиган маҳсулот таннархи ўтган йил 60,1 (1503263:2500687) тийинни, ҳисобот даврига келиб 63,8 (5874948:9215768) тийинга қадар кўтарилган. Маҳсулот сотиш ҳажми ўсиш суръатини сотилган маҳсулот таннархи, давр харажатлариникига нисбатан юқори бўлиши таннарх ҳамда давр харажатларидан нисбий иқтисодга эришишга олиб келади. Сотишдан келган тушумнинг ҳар сўмига тўғри келадиган давр харажатлари 6,1 (150628:2500687) тийиндан ҳисобот даврига келиб 1,7 (156289:9215768) тийинга қадар пасайиши ижобий ҳол ҳисобланади.

4-жадвал

**“KAPLANSER-SAM” МЧЖ ҚК харажатларининг таркиби,
тузилиши ва динамикаси таҳлили***

Кўрсаткичлар	Харажатлар таркиби, млн сўм			Ўсиш суръати, %	Харажатлар тузшгаши, %		
	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариш		Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариш
Харажатлар — жами	2188458	8800118	+6611660	402,1	100	100	
Шу жумладан:							
1. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархи	1503263	5874948	+4371685	390,8	68,7	86,8	18,1
2. Сотиш харажати	3856	15627	+11771	405,3	0,18	0,2	0,1
3. Маъмурий харажат	32797	42288	+9491	128,9	1,5	0,5	-1
4. Бошка операцион харажат	113975	98374	-15601	86,3	5,3	1,1	-4,2
5. Фоиз шаклидаги харажат	70332	194577	124245	276,7	3,2	2,2	-1

6. Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоиз шаклидаги харажат								
7. Валюта курси фаркидан зарар	464235	2503653	+464235	539,3	21,2	28,5	+7,3	
8. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажат	0	0						
9. Фавқулодда зарар	0	0						
10. Даромад солиғи ва фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	0	70651	+70651			0,8	+0,8	
11. Даромад ва харажатларнинг нисбат коэффициенти								

* Муаллиф томонидан ишланган.

2.2. “Kaplaner Sam” МЧЖ қўшма корхонасининг фойдасига

таъсир этувчи омиллар таҳлили

Молиявий ва бошқарув таҳлили, хўжалик фаолияти таҳлили, иқтисодий таҳлил каби дарслик ва ўқув қўлланмаларида фойдани ўзгариш сабаблари, унга таъсир этувчи омилларнинг номлари, сони, ҳисоблаш усуллари хусусида турлича ёндошувлар мавжуд.

Иқтисодий адабиёт муаллифлари томонидан тавсия этилган омиллар хўсуида бизнинг фикр мулоҳазаларимиз куйидагилардан иборат:

1. Муаллифлар томонидан тавсия этилган омиллар ва уларни ҳисоблаш усули мураккаб.

2. Омиллар таъсири формулалар асосида амалга оширилган. Амалиётдаги манбалар асосида омиллар таъсирини ҳисоблаб топишни, айниқса, кенг номенклатурага эга корхоналарда амалга ошириб бўлмайди.

3. Республикамиздаги молиявий ҳисобот шакллари Россиядаги мавжуд молиявий ҳисобот шаклларида мазмун жиҳатдан тубдан фарқланади. Шу боис Россия олимлари томонидан чоп этилган адабиётлардаги омиллар ва уларни фойдага бўлган таъсирини ҳисоблаш

усулини Ўзбекистон шароитида айнан ўзгартирмасдан қўллаш мумкин эмас.

Сотишдан олгшган ялпи фойдага омиллар таъсирини ҳисоблаш ва уни таҳлил этишнинг қуйидаги усулини тавсия этамиз.

5-жадвал

**“KAPLANSER-SAM” МЧЖ ҚҚни сотишдан олинган ялпи
фойда таҳлили***

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўтган йилдаи фарқи (±)	Ҳисобот йили ўтган йилга нис- батан, %
1. Сотишдан келган соф тушум	2500687	9215768	6715081	368,5
2. Сотилган маҳсулот таннари	1503263	5874948	4371685	390,8
3. Сотишдан олинган ялпи фойда	997424	3340820	2343396	335
4. Сотишдан келган тушумнинг хар сўмига фойда (сотиш рентабеллигй) тийин				

*Муаллиф томонидан ишланган.

Сотишдан кўрилган ялпи фойда ўтган йилга нисбатан 544,8 млн сўмга қуйидаги омиллар таъсири натижасида камайган.

1. Сотиш ҳажми

Инфляция даражаси i_{δ}

Сотишдан келган тушум базис даври баҳосида

$$CT = CT_1 : i_{\delta}$$

CT - сотишдан келган тушум базис даври баҳосида

CT_1 - ҳисобот давридаги сотишдан келган тушум i_{δ} - баҳо индекси

$CT = 9215768 : 1,061 = 8685926,5$ минг сўм.

Баҳо ўзгариши ҳисобига сотишдан келган тушум 529841,5 (9215768-8685926,5) минг сўмга ортган.

Сотиш ҳажмини ўзгариши (базис даври баҳосида):

$$8685926,5 - 2500687 = 6185239$$

Демак, сотишдан кўрилган ялпи фойда асосан сотиш ҳажмини

ортсада, аммо молиявий фаолият бўйича харажатларнинг ортиши эвазига қисқарган. Маҳсулот сифатини яхшиланиши; маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосини ўтган йилга нисбатан юқори бўлишини таъминлади ва фойдани 101,0 млн сўм кўпайишига олиб келди.

Умуман олганда қўшма корхоналарни ривож учун имкониятлар яратилиб келинмоқда. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларида фаолият кўрсатаётган катор қўшма корхоналарнинг молиявий ресурслар билан таъминлаш амалиёт таҳлил қилинган. Ана шундай қўшма корхоналардан бири “KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонаси ҳисобланади. Ушбу корхонанинг молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш учун унинг пассивлари таркиби ва динамикасини таҳлил қиламиз.

6-жадвал

“KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонаси мажбуриятлари таркиби ва динамикаси²⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар	
	2017	2018
Узоқ муддатли мажбуриятлар	6648641,0	13362155,0
Мол етказиб берувчилар олдидаги кредитор қарздорлик	227317,0	1107147,0
Давлат бюджетига тўловлар	21905,0	400987,0
Мақсадли жамғармаларга ажратмалар	10110,0	12456,0
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	43002,0	159540,0
Қисқа муддатли банк кредитлари	6958646,0	17500
Бошқа мажбуриятлар	3503,0	23352,0
Мажбуриятлар, жами:	13913124,0	15083137,0

6-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017-2018 йилларда “KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонасининг узоқ муддатли мажбуриятлари, давлат бюджети олдидаги мажбуриятлари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва бошқа мажбуриятларининг жами мажбуриятлардаги

²⁷ “KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

салмоғи пасайган. Бу эса, ижобий ҳолат ҳисобланади ва корхонада меҳнат ҳақининг ўз вақтида берилаётганлиги, бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиш даражасининг ошаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, таҳлил қилинаётган даврда мол етказиб берувчилар олдидаги кредитор қарздорликнинг жами мажбуриятлардаги салмоғи сезиларли даражада ошганлиги қайд этилди.

Бу эса, кредитор қарздорликнинг айланиши секинлашаётганлигини ифодалайди ва салбий ҳолат ҳисобланади. Ушбу қўшма корxonанинг тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланмаётганлиги, қимматли қоғозларининг мавжуд эмаслиги кредитор қарздорликнинг айланишини тезлаштириш имконини бермайди.

2017-2018 йилларда корхона узоқ муддатли мажбуриятларининг жами мажбуриятлардаги салмоғининг юқори бўлиши махсус ихтисослашган бўлинмалар олдидаги узоқ муддатли қарз мажбуриятлари миқдорининг кескин ошганлиги билан изоҳланади.

“KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корxonасининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражаси паст ва беқарордир. Масалан, 2015 йилда 300 млн. сўм миқдорида қисқа муддатли кредит олинган ва бир йил ичида қайтарилган.

2017-2018 йилларда қўшма корxonанинг махсус бўлинмалар олдидаги қарздорлиги мавжуд бўлмаган. Бунинг сабаби шундаки, 2015-2016 йилларда корхона мол етказиб берувчилардан товарларни махсус бўлинмалар орқали олар эди, 2017 йилдан бошлаб эса, тўғридан-тўғри ола бошлади.

“KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонасининг ўз маблағлари таркиби ва динамикаси²⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар	
	2017	2018
Устав капитали	2550287,0	2550287,0
Қўшилган капитал	33486,0	33486,0
Резерв капитали .	21175441,0	22510055,0
Тақсимланмаган фойда	15425900	15874949,0
Мақсадли тушумлар	0	0
Ўз маблағлари, жами:	39185114,	40968777,0

7-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2017-2018 йилларда қўшма корхона устав капиталининг маблағлари ҳажми ўзганмаган. Ушбу ҳолат унчалик салбий ҳолат ҳисобланмайди, чунки корхоналар фаолиятини молиялаштиришда устав капитали барқарор манба ҳисобланади. Ҳисобот даврида қўшма корхонада қўшилган капиталнинг ўз маблағлари ҳажмидаги салмоғи пасайган.

7-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2017-2018 йилларда капитал салмоғининг юқори даражада ўсиши кузатилган. Айниқса, 2017 йилда резерв капиталининг ўз маблағлари ҳажмидаги салмоғи 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвацияланиши билан изоҳланади. Умуман, резерв капитали нисбатан беқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Таҳлил қилинган даврда тақсимланмаган фойданинг мавжуд эмаслиги қўшма корхона жорий фаолиятида зарар миқдорининг катта эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишида қўшма корхоналар ликвидли активларининг ҳолати масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

²⁸“KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

8-жадвал**“KAPLANSER-SAM” кўшма корхонасининг ликвидли активлари²⁹**

(фоиз ҳисобига)

Ликвидли активлар	Йиллар	
	2017	2018
Пул маблағлари	5977,0	1600,0
Дебитор қарзлар	6413017,0	7307660,0
Товар захиралари	8981888,0	16424543,0
Жами жорий активлар	15501728,0	24005503,0

8-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда кўшма корхонада пул маблағларининг жорий активлари умумий ҳажмидаги салмоғи беқарор бўлган. Бу эса, корхонанинг молиявий ресурслар билан таъминлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, пул маблағларининг беқарорлиги кўшма корхона томонидан жорий даврдаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, 8-жадвал маълумотлари кўрсатадики, таҳлил қилинаётган даврда товар захираларининг жорий активлар ҳажмидаги салмоғи юқори даражада бўлган. Бу эса, кўшма корхонанинг молиявий ресурслари барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, товар захиралари ликвидлилик даражаси паст бўлган актив ҳисобланади. Шунинг учун тараққий этган мамлакатлар амалиётида кўшма корхоналарнинг жорий ликвидлиги пул маблағлари ва дебитор қарздорлик ҳисобидан таъминланади. Бунда дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти мазкур корхона фаолият кўрсатаётган тармоқдаги ўртача айланиш коэффициентида паст бўлмаслиги лозим.

²⁹“KAPLANSER-SAM” МЧЖ кўшма корхонасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2.3. Молиявий ресурсларни шакллантиришда асосий фаолиятдан кўрилган молиявий натижа – фойдани таҳлили

Фойданинг шаклланишида асосий фаолиятдан кўрилган молиявий натижа салмоқли ўрин эгаллайди.

$$АФКФ= ЯФ-ДХ+БД$$

Бунда: АФКФ-асосий фаолиятдан кўрилган фойда;

ЯФ-ялпи фойда;

ДХ-Давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойдага қуйдаги омиллар таъсир этади:

1. Сотиш ҳажми.
2. Сотилган маҳсулот баҳоси.
3. Сотилган маҳсулот таннари.
4. Сотиш харажатлари.
5. Маъмурий-бошқарув харажатлари.
6. Бошқа операцион харажатлар.
7. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Иқтисодиётдаги таҳлилга оид дарслик ёки қўлланмаларда асосий фаолиятдан кўрилган фойдага омиллар таъсирини ҳисоб-китоби келтирилган. Асосий фаолиятдан кўрилган фойдага омиллар таъсирини таҳлил янги услубга асосланган ҳолда амалга оширилди. Омиллар таъсирини ҳисоблашдан олдин аналитик жадвал орқали сотишдан келган соф тушумда сотилган маҳсулот таннари, сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар бошқа операцион харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромадларнинг ҳисобот даври ва ўтган йиллардаги тутган улушлари аниқланади. Сўнгра асосий фаолиятдан кўрилган фойдани соф тушимга бўлиш орқали унинг рентабеллик даражаси, яъни тушумнинг ҳар сўмига тўғри келадиган фойда миқдори аниқланади. Аниқланган ушбу кўрсаткич иштирокида юқорида келтирилган ҳар бир омилнинг фойдага бўлган таъсири ҳисоблаб топилади. Бундай таҳлил учун керакли амалий

маълумотлар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сонли шаклидан олинади. Бу ҳисобот шаклида асосий фаолиятдан кўрилган фойда ва унинг элементлари, яъни даромад ва харажатлари динамика тарзида келтирилган.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (8-жадвал) 200,9 млн сўмни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 19,5 млн сўмга қуйидаги омиллар таъсири натижасида қисқарган:

1. Сотиш ҳажмининг фойдага таъсирини аниқлаш учун сотишдан келган тушумни таққосланадиган ҳолатга келтириш керак. Бунинг учун ҳисобот давридаги сотишдан келган тушумни баҳо индексига бўлиш лозим. 2018 йилда инфляция даражаси 6,1 фоизни ташкил этган.

$$i_{\delta} = \frac{100 + 6,1}{100} = \frac{106,1}{100} = 1,061$$

Сотишдан келган тушум базис даври баҳосида

$$СТ = СТ_1 : СТ = 6822,7 : 1,061 = 6430,4 \text{ млн сўм.}$$

Баҳо ўзгариши ҳисобига сотишдан келган тушум 392,3 (6822,7 - 6430,4) млн сўмга ортган.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришини (баҳо ўзгаришидан ташқари) фойдага бўлган таъсири.

$$6430,4 - 7483,6 = -1053,2 \text{ млн сўм}$$

$$\frac{-1053,4 * 2,94}{100} = -30,9 \text{ млн. сўм}$$

2. Баҳо ўзгариши $\frac{+392,3 * 2,94}{100} = +11,5 \text{ млн. сўм}$

3. Сотилган маҳсулот таннархи $\frac{+6822,7 * (5,50)}{100} = +375,2 \text{ млн. сўм}$

4. Сотиш харажатлари.

5. Маъмурий-бошқарув харажатлари $\frac{+6822,7 * (-1,40)}{100} = -95,5 \text{ млн. сўм}$

$$6. \text{ Бошқа операцион харажатлар } \frac{+6822,7 * (-4,58)}{100} = -312,4 \text{ млн. сўм}$$

7. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари

$$\frac{+6822,7 * (+0,71)}{100} = +48,4 \text{ млн. сўм}$$

9-жадвал

Асосий фаолиятдан кўрилган фойдага таъсир этувчи омиллар³⁰

	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўтган йилдан фарқи (±)	Тутган улуши, %		Улуш фарқи, %
					Ўтган йил	Ҳисобот йили	
1	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	7483,6	6822,7	-660,9	100	100	
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннари	5560,1	5444,0	-116,1	74,30	79,80	+5,50
3	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	1923,5	1378,7	-544,8	X	X	X
4	Сотилган харажатлари	337,1	389,2	+52,1	4,51	5,70	+ 1,19
5	Маъмурий харажатлар	409,4	277,9	-131,5	5,47	4,07	-1,40
6	Бошқа операцион харажатлар	83,6	84,1	+0,5	3,14	5,56	+2,42
7	Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари						
8	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари						
9	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3-сатр, 4-сатр, 5-сатр, 6-сатр, 7+сатр)	220,4	200,9	-19,5	2,94	2,95	+0,01

³⁰“KAPLANSER-SAM” МЧЖ қўшма корхонасининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

* Муаллиф томонидан ишланган.

Омиллар таъсири натижаларини аналитик жадвалга жойлаштирамиз

10-жадвал

т/р	Кўрсаткич — омиллар	Сумма, млн сўм.
	Асосий фаолиятдан кўрилган фойдани ўтган йилдагисидан фарқи	-19,5
	Шу жумладан:	
1.	Сотиш ҳажмини камайиши	-30,9
2.	Сотилган маҳсулот баҳосининг орташи	+ 11,5
3.	Соталган маҳсулот таннархининг қимматлашши	-375,2
4.	Сотиш харажатларининг орташи	-81,2
5.	Маъмурий – бошқарув харажатларининг қисқариши	+95,5
6.	Бошқа операцион харажатлардан иқтисод	+312,4
7.	Асосий фаолият бошқа даромадларининг ортиши	+48,4

* Муаллиф томонидан ишланган.

Қўшма корхона ҳисобот даврида фойдани ошириш имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаган. Маҳсулот сотиш ҳажмини қисқариши, таннархининг ортиши ҳамда сотиш харажатларининг асосиз равишда кўпайиши туфайли асосий фаолиятдан кўрилган фойда 487,3 (30,9+375,2+81,2) млн сўмга камайган. Корхона маъмурий, бошқа операцион харажатларнинг қисқариш, ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўпроқ даромад кўриши туфайли фойда 467,8 (11,5+95,5+312,4) млн сўмга, ортган.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки қўшма корxonанинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш унинг истиқболдаги рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш орқали фойда ва рентабеллигини ошириш имкониятларини беради.

III БОБ. Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини барқарор ўсишини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

3.1 Қўшма корхоналарни барқарор ўсишини бошқаришни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш

Қўшма корхона муваффақиятини ва барқарор ўсишини белгиловчи омиларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қўшма корхона бўйича ҳамкорни тўғри танлаш;
- ҳар бир ҳамкорнинг фаолият соҳаси тўғрисида маълумотнинг етарлилиги;
- қўшма корхонага биргаликда эгалик қилувчи компаниялар ўртасида ўзаро боғлиқлик даражасининг юқори эканлиги;
- таъсисчилар учун қўшма корхона юқори қийматга эга эканлиги;
- қўшма корхона доирасида узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликнинг устуворлиги;
- манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги.

Ўз навбатида қўшма корхонани ташкил қилиш ва фаолият юритишида салбий таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- ҳамкорлар ўртасида ўзаро ишонч ва зарурий бизнес-коммуникацияларнинг йўқлиги;
- қўшма корхона бўйича ҳамкорларнинг стратегик мақсадларида қарама-қаршилиқлар мавжудлиги;
- келажак ҳақидаги умумий тасаввур ва қўшма стратегик режанинг мавжуд эмаслиги;
- қисқа муддатли ҳамкорликнинг устуворлиги;
- қўшма корхоналардан уларга эгалик қилувчи фирмалар ўртасидаги рақобатни кескинлаштириш институти сифатида фойдаланиш.

Назаримизда, бугунги кунда қўшма корхоналар хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шаклларида бири бўлиши лозим. Қўшма корхоналар ишлаб чиқариш жараёни байналмилаллашувини кучайтиради. У бир томондан илмий тадқиқотлар ва техник ишланмалар

соҳасида халқаро меҳнат тақсимоти шаклланишига олиб келади, бошқа томондан эса замонавий машиналар ва ускуналар импорти ўсишини рағбатлантиради.

Шундай қилиб, биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторини хорижий ҳамкорлар ресурслари ҳисобидан ривожлантириш имкониятларининг кенгайishi; иккинчидан, ишлаб чиқаришни бошқариш ва маҳсулот сотишни бошқаришда инновацион тажрибанинг тезкор тарқалиши; учинчидан, турли мамлакатларнинг ресурсларини оқилона бирлаштиришга кўмаклашиш орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини чуқурлаштириш қўшма корхоналарнинг аҳамиятли хусусиятлари ҳисобланади.

Хорижий капитал ва замонавий технологияларни жалб қилиш, янги бошқарув ва маркетинг тажрибасини эгаллаш, ишлаб чиқариш ва бозорда мавжуд бўлган тақчилликларни тугатишга кўмаклашиш, юқори сифатли рақобатбардош ва экспортбоп тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдириш, валюта тушумларининг ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида рискларнинг камайтириш учун қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, тегишли молиялаштириш манбаларини топиш ва улардан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, давлат томонидан иқтисодиётнинг реал секторида ва устувор тармоқларида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган қўшма корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзлари белгиланган. Масалан, Германияда мамлакатнинг шарқий ерларига инвестиция киритган қўшма корхоналар солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Жумладан, инвестиция билан боғлиқ бўлган қурилишлар эгри солиқлардан, биринчи навбатда, қўшилган қиймат

солиғидан озод қилинади. Хитойда қўшма корхоналар автомобиль саноатида самарали фаолият юритмоқда. Ушбу саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг аксарият қисми Германия, АҚШ, Франция, Италия, Япония ва Жанубий Корея корпорациялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналардир. Олтита қўшма корхона томонидан жами автомобилларнинг 70 фоизи ишлаб чиқарилади³¹.

Қўшма корхоналарнинг автомобиль саноатида самарали фаолият юритаётганлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Хитойда автомобиль саноатининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини қўшма корхоналар ёрдамида ошириш масаласи ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланади. Ҳукумат тайёр автомобилларни импорт қилишни чеклайди. 2006 йилда бож тўлови тайёр автомобилларга нисбатан 25 % қилиб ўрнатилди. Эҳтиёт қисмларга эса, бож тўлови 10% қилиб белгиланган. Шунингдек, Хитойга эски автомобилларни олиб кириш тегишли қонунлар билан тақиқланган.

2. Хорижий автомобилларни ишлаб чиқариш фаолиятига нисбатан юқори солиқ ставкасининг қўлланилиши. Хитой қонунчилигига кўра, агар автомобиль ишлаб чиқариш учун сарфланган эҳтиёт қисмларнинг 49 фоизи хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу автомобиль хорижий автомобиль деб ҳисобланади ва унга нисбатан юқори солиқ ставкаси қўлланилади. Бу эса, қўшма корхоналарнинг автомобиллар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни Хитойнинг ўзида ишлаб чиқаришдан манфаатдорлигини оширади.

3. Хитойдаги йирик давлат корпорациялари фақат Хитой маркасидаги автомобилларни ишлаб чиқаради ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиш суръатига эга. Ўз навбатида, ушбу давлат корхоналари томонидан қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган эҳтиёт қисмлардан кенг қўламда фойдаланилади. Бу эса, қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган автомобиль эҳтиёт қисмларига бўлган талабнинг ошиб боришига сабаб

³¹ Хамицаева А. Состояние и перспективы промышленности Китая//Экономист. – Москва, 2008. №9. –С.94.

бўлмоқда.

4. Хитойда фаолият юритаётган қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмларнинг АҚШ ва Европа давлатларига экспорт қилиш ҳажмининг ошаётганлиги натижасида Хитой АҚШга автомобиль эҳтиёт қисмларини етказиб бераётган давлатлар ичида бешинчи ўринни эгаллади.

3.2. Қўшма корхоналар молиявий ресурсларини барқарор ўсишини бошқаришда инвестициялар ролини оширишнинг истиқболлари

Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири тармоқлар иқтисодиётини мулкчилик шакллариининг турли хил кўринишлари асосида ташкил этишдан иборат. Шу ўринда мулкчилик шаклининг аралаш кўриниши бошқа мулк шаклларига нисбатан ўзининг эгилувчанлиги, шароитга тез мосланувчанлиги ва хорижий мамлакатлар менежмент тажрибаларини кам харажат қилиб, миллий иқтисодиётда тез қўллаш имкониятлари билан ажратиб туради. Амалдаги тажрибаларга мувофиқ, аралаш мулк шаклининг мумтоз кўринишларидан бири хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналар тузишда намоён бўлади.

Хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналарнинг маҳаллий хўжалик субъектларига нисбатан бйр қатор устувор жиҳатларини эътиборга олиб, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, Президенти раҳнамолигида инвестицион муҳитга бевосита хизмат қиладиган қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ҳисобига ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизнинг қарийб барча тармоқ ва соҳаларида хорижий инвестицияга асосланган 7560 дан зиёд қўшма корхоналар рўйхатдан ўтиб, уларнинг аксарияти мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида, меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчиларни янги иш ўринлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб

этнода. Шунингдек, улар республикадаги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг янгилашиш даражасини, яъни маънавий ва жисмоний эскириш коэффициентини пасайтиришга, юридик ва жисмоний шахс солиқ тўловчилари қаторида солиқ юкини пасайтириш билан бирга давлат бюджетининг даромадини тўлдиришда, импорт ўрнини босиб, экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришда, хизматлар кўрсатишда ва ниҳоят, эркин валютани тежаш билан бир қаторда, уларнинг миллий иқтисодиётга тушумини кўпайтириб, миллий валюта — сўмнинг барқарорлигини оширишда яқиндан хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хорижий инвестицияга асосланган қўшма корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилган бўлиб, улар вилоят, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини давр талабига мос равишда шакллантиришда яқиндан кўмак бериб келмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланганлиги ва уларнинг умумий хорижий инвестициялардаги улуши бир текисда бўлмай номувозанатлик қарор топмоқда. Айрим вилоят ёки шаҳарларда аҳоли жон бошига нисбатан керагидан ортиқ бўлса, айримларида жуда пастлиги намоён бўлмоқда.

Маълумотларидан маълум бўляптики, хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналар вилоятлар бўйича нотекис жойлашган. Биргина Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, бу ерда республикада фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг қарийб 62,5 фоизи, қолган ўн учта ҳудудга эса бор йўғи 27,5 фоиз қўшма корхоналар сони ва улуши мос келмоқда.

Бизнингча, ушбу ҳолатнинг юзага келишига таъсир этган бир қатор объектив сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади. Жумладан:

**Республикада 2018 йилда фаолият юритаётган хорижий
инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг улуши³²**

т/р	Худудлар	Корхоналар соии	Жами корхоналар сонигаги улуши, %да
1	Қорақалпоғистон Республикаси	121	1,6
2	Андижон вилояти	222	2,9
3	Бухоро вилояти	156	2,1
4	Жиззах вилояти	121	1,6
5	Навоний вилояти	85	1,1
6	Наманган вилояти	109	1,5
7	Қашқадарё вилояти	138	1,8
8	Самарқанд вилояти	396	5,3
9	Сирдарё вилояти	109	1,4
10	Сурхондарё вилояти	172	2,3
11	Фарғона вилояти	281	3,7
12	Хоразм вилояти	71	0,9
13	Тошкент шаҳри	4728	62,5
14	Тошкент вилояти	851	11,3
	Республика бўйича	7560	100,0

— пойтахтда қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган товарлар, бажараётган ишлар ва кўрсатаётган хизматларга талабгор бўлган истеъмолчиларнинг бошқа худудларга нисбатан тўлов қобилияти юқори эканлиги;

— пойтахтда молиявий ва ижтимоий инфратузилмаларнинг нисбатан яхши ташкил этилганлиги;

— темир йўл, аэропорт ва вазирлик пойтахтда жойлашганлиги сабабли, қўшма корхоналарнинг рўйхатдан ўтиши ва хомашё ҳамда материалларни импорт ёки тайёр маҳсулотларни экспорт қилишдаги яратилган қулайликлар;

— корхона такрор ишлаб чиқариш мақсадида инвестицион

³² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари

фаолятини амалга ошириши учун молиялаштириш манбатарининг нисбатан етарлилиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган ҳар бир объектив сабаб ва омилни алоҳида ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, муайян изланишларни талаб этади. Биз асосий эътиборни қўшма корхоналар инвестицион фаолятини молиялаштириш манбаларига қаратиб, бу объектдаги нуқсонларни изоҳлаб беришга ҳаракат қилишдан олдин, миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш борасида Президентимиз ўз асарида қайд этиб ўтган қуйидаги фикрларга эътибор қаратамиз, яъни Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда.

2018 йил якуни билан асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми 103 587,5 млрд. сўмни ёки 12 617,2 млн.долларни ташкил этиши кутилмоқда. Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,7 фоизга тўғри келиши, 2017 йилга нисбатан ўсиш даражаси эса 14,1 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, 2018 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келиши, яъни улар 63 758,2 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 61,6 фоизи) ни, корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 39 829,3 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 38,4 фоизи) ни ташкил этиши кутилмоқда³³.

Умуман олганда, инвестицияларни молиялаштиришнинг бир қатор макро манбалари мавжуд бўлиб, бу борада ҳар бир давлатда муайян статистик маълумотлар етарли. Жумладан, бизда ҳам инвестицияларни молиялаштириш манбалари алоҳида қайд этилиб, шунга мос равишдаги манбалар мувофиқлаштириб турилади. Инвестицияларни молиялаштириш

³³ 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ХУЛОСАСИ <http://ach.gov.uz/uploads/bfe12e09-d9dd-e11a-8099-a666c32b372e.pdf>

манбалари ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун 12-жадвалга мурожаат қиламиз.

12-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни молиялаштириш манбаларини ҳолати³⁴

	Ўзлаштириш ҳажми	Улуши	Ўсиш суръатлари
Асосий капиталга киритилган инвестиция (млрд.сўм)	103 587,5	100,0	14,1
- Марказлашган инвестициялар:	33 762,6	32,6	39,4
- Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	8 853,7	8,5	20,1
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	11460,8	11,1	22,9
млн.доллар ҳисобида	1 396,0		25,6
- Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	13448,0	13,0	87,5
млн.доллар ҳисобида	1 638,0		91,6
Марказлашмаган инвестициялар:	69 824,9	67,4	6,3
- Корхоналарнинг ўз маблағлари	28 387,3	27,4	13,0
- Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	16 296,3	15,7	50,0
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	13 699,3	13,2	-34,5
млн.доллар ҳисобида	1 668,6		-33,1
- Аҳоли маблағлари	11 982,0	11,2	4,0

12-жадвал маълумотларидан кўринадики, Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 33 762,6 млрд.сўм (32,6 фоиз) ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан эса 69 824,9 млрд.сўм (67,4 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда. 2018 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг таркибида энг салмоқли улуш (27,4 фоиз) корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритиладиган инвестицияларга (28 387,3 млрд.сўм) тўғри келиши кутилмоқда. Тўғридан-

³⁴ Ўша ерда

тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами инвестиция ҳажмининг 13,2 фоизига тўғри келиб, 1 668,6 млн.доллар (13 699,3 млрд.сўм) ни ташкил этиши ёки 2017 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 33,1 фоизга камайиши баҳоланмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 3,4 фоизини ташкил этмоқда. Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 11 442,0 млрд.сўмни (жами инвестицияларнинг 13,6 фоизи), Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари эса 8 853,7 млрд.сўмни (8,5 фоиз) ташкил этиши кутилмоқда.

Корхоналар инвестициявий фаолиятини молиялаштиришда аҳоли молиявий ресурслари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Одатда, аҳолининг қўшма корхоналар инвестициявий фаолиятидаги иштироки, улар муомалага чиқарган акция ва облигацияларни харид қилиш орқали намоен бўлади.

Қўшма корхоналар инвестициявий фаолиятини молиялаштиришда тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағларининг салмоғи нисбатан сезиларсиз бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, мазкур соҳада изчил чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Хўжалик субъектлари инвестициявий фаолиятида хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши нисбатан қониқарли дейишга асос бор. Ҳозирги кунда ушбу молиялаштириш манбаи ҳисобига инвестицияларнинг қарийб 1/4 қисми амалга оширилмоқда. Бу яхши кўрсаткич бўлиб, истиқболда уни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Жадвалдан маълум бўлмоқдаки, бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма маблағлари кейинги икки йил мобайнида кескин ошган. Бизнингча, бунга таъсир этган асосий омил 2006 молия йилида асос солинган ва ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларининг айнан шунга йўналтирилганлигидир.

Таҳлиллар истиқболда қўшма корхоналар инвестициявий фаолиятини молиялаштириш манбаларида муайян ўзгаришларни амалга ошириш зарур эканини кўрсатмоқда. Буларнинг кўлами кенг, албатта. Аммо бу борада

қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан:

биринчидан, устав фонди 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган йирик қўшма корхоналар инвестициявий фаолиятида аҳолининг иштирокини жадаллаштириш лозим. Бу бир вақтнинг ўзида бир неча муаммони ҳал этишга қулайлик яратади. Хусусан, аҳоли йирик қўшма корхоналар акция ва облигацияларини харид қилиш асосида асосий даромад манбаига қўшимча дивиденд ёки фоизлар олиб, турмуш фаровонлигини янада яхшилайтиди. Корхоналар эса минимал риск бўлган қўшимча молиявий манбаларга эга бўлиб, инвестициявий фаоллигини янада оширишга муваффақ бўлади;

иккинчидан, корхоналар инвестициявий фаолиятида тижорат банкларининг улушини жонлантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун узок муддатга мўлжалланган стратегик инвестициявий лойиҳаларни кредитлаштириш учун имтиёзли кредитлар бериш механизмини ишлаб чиқиш лозим. Бу тадбир ҳам бир қатор ижтимоий-иқтисодий устуворликларга эга бўлади. Узок муддатли имтиёзли кредитларни бериш мамлакатдаги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг янгиланиш коэффициенти ва корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади;

учинчидан, умумжамият ёки умумдавлат аҳамиятини касб этмайдиган қўшма корхоналар инвестициявий фаолиятини бюджетдан молиялаштиришни кескин камайтириш керак. Бундай тадбирни амалга ошириб, мамлакатдаги умумий солиқ юқини пасайтиришга эришилади. Шунингдек, мамлакатда ижтимоий-маданий аҳамият касб этадиган Чоратадбирларни молиялаштиришни кўпайтиришга замин яратилади.

Юқорида қайд этилган тадбирларни миллий иқтисодиётга жорий этиш, қўшма корхоналар инвестициявий фаолиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан бирга, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаш жараёнини жадаллаштиришга ҳам яқиндан кўмак беради.

3.3. Қўшма корхоналар молиявий ресурсларни барқарор ўсишини таъминлаш йўллари

2014-2018 йилларда биз таҳлил этган “Kaplanser Sam” МЧЖ қўшма корхонасида пул маблағларининг жорий активлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиши кузатилди. Бу эса, корхонанинг ликвидлилигини таъминлаш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Таҳлил қилинган даврда дебитор қарздорлик ва товар захираларининг қўшма корхона жорий активлари ҳажмидаги салмоғи пасайди ва ушбу жиҳатни ижобий ҳолат, дея баҳолаш мумкин. Чунки, мазкур ҳолат дебитор қарздорликнинг айланиш коэффиценти ва товарлар сотилиш дарджасининг ошганлиги билан изоҳланади.

Қўшма корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари таркибида мол етказиб берувчилар олдидаги кредитор қарздорлик, олинган бўнақлар ва тижорат банкларининг кредитлари бўйича қарздорлиги юқори салмоқни эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, корхона тижорат банкларининг кредитларидан ўзининг жорий ва инвестицион харажатларини молиялаштиришда доимий тарзда фойдаланмоқда; иккинчидан, корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида хом-ашёлар харидини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилмоқда; учинчидан, дебитор қарздорликни камайтириш усулларида бири бўнақ ундириш ҳисобланади.

2014-2018 йилларда “Kaplanser Sam” МЧЖ ҚКда мол етказиб берувчилар олдидаги кредитор қарздорлик ва олинган бўнақларнинг қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи ўсган. Бу эса, сотилаётган товарлар бўйича дебитор қарздорликни камайишига олиб келади.

Таҳлил қилинган даврда қисқа муддатли кредитларнинг қисқа муддатли мажбуриятларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи кескин пасайган. Бу эса, корхона томонидан тижорат банкдан олинган йирик миқдордаги кредитнинг 76,5 фоизи қайтарилганлиги билан изоҳланади.

Таҳлил қилинган даврда корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари

ҳажмида бюджет олдидаги қарздорликнинг салмоғи пасайган. Бу эса, солиқларни ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ бўлгани ижобий ҳолат ҳисобланади

2014-2018 йилларда корхонанинг ўз маблағлари 40,7 фоизга кўпайди. Ушбу ҳолатга қиёсий баҳо бериш учун мавжуд иқтисодий ўсишнинг суръати корхона қарз мажбуриятларининг ўсиш суръати билан таққосланиши зарур. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ушбу ҚҚсининг қарз мажбуриятлари 2,3 фоизга камайганлиги эса, корхона молиявий ресурсларининг мустаҳкамлик даражасини оширишга хизмат қилаётганлигидан далолат беради.

Хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашда тижорат банкларининг кредитлари муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, қўшма корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш, инвестицион харажатларини молиялаштириш уларнинг ўз маблағлари манбалари етарли бўлмаган шароитда тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Марказий банкининг статистик ҳисоботларида келтирилган маълумотларидан кўринадикки, охириги йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан қўшма корхоналарга берилган кредитларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, тижорат банкларининг қўшма корхоналар айланма капиталини шакллантиришдаги ролининг ошиб бораётганлигидан далолат беради ва уларнинг молиявий ресурслари оқимиға ижобий таъсир кўрсатади.

2017 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан қўшма корхоналарга берилган кредитлар миқдорининг камайиши кузатилди. Бу эса, олинган халқаро кредитларнинг кўрсатилган муддатда қайтарилаётганлиги билан изоҳланади. Чунки, республикамиз тижорат банклари томонидан берилган узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг 70 фоиздан ортиқ қисми хорижий банклар ва халқаро молия институтларидан жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2015-2018 йилларда тижорат банклари

томонидан қўшма корхоналарга берилган кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Ушбу ҳолат тижорат банклари томонидан қўшма корхоналарни кредитлашга етарли даражада эътибор қаратилмаётганлигидан далолат беради.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида мавжуд бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- қўшма корхоналар молиявий ресурслари таркибида узок муддатли барқарор ресурслар салмоғининг кичиклиги, уларнинг асосий фондлари эскириш даражасини юқори эканлиги қўшма корхоналар молиявий ресурсларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда;

- қўшма корхоналар молиявий ресурсларининг ҳажмида тижорат банклари кредитлари салмоғининг беқарорлиги молиявий ресурсларни бошқариш самарадорлигини оширишга салбий таъсир қилмоқда;

- қатор қўшма корхоналарда молиявий левераж коэффициенти даражасининг паст эканлиги уларнинг молиявий ресурсларини жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда;

- қўшма корхоналар томонидан амалга оширилган инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётганлиги молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда;

- хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит олган қўшма корхоналар мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаганликлари сабабли, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий кредиторларга берилган асосий қарзлари ва фоизлари тўлаб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан молиялаштирилган қўшма корхоналарга берилган инвестицион кредитлар ўзини оқламаётганлигининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) қўшма корхоналарнинг хориждан келтириладиган хом-ашёларга ўта боғлиқлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга етарли талабнинг йўқлиги;

б) қўшма корхоналарнинг лойихада белгиланган ишлаб чиқариш қувватида ишламаслиги;

в) айрим қўшма корхоналарнинг хом-ашё базаси билан тўлиқ таъминланмаганлиги;

г) лойихада олинган кредит хорижий валютада қайтарилиши кўзда тутилган бўлса-да, амалда маҳсулотнинг экспорт қилинмаганлиги ёки жуда кам экспорт қилинганлиги;

д) қўшма корхонанинг очилиши вақтида хорижий таъсисчилар томонидан ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотни хорижга сотиш мажбуриятини олган ҳолда битим тузиб, ишлаб чиқариш бошлангандан сўнг эса, ушбу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги.

Хулоса

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб қуйидаги хулоса ва таклифларни тавсия этамиз:

- халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- узлуксиз макроиктисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлаш;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 60,4 фоизни, экспортдаги улуши 18,0 фоизга эришишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- саноат ривожининг янги йўналишларини ўзлаштириш, ёқилги, машинасозлик, тўқимачилик ва электротехника соҳасида, қурилиш материаллари саноати, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда асосий омилларни ҳисобга олиб иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш;

- маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, енгил саноат учун кимёвий моддалар, қурилиш материаллари ҳамда кир ювиш машиналари, микро тўлқинли печлар, идиш ювиш машиналари каби маиший техникаларнинг ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш.

Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун экспортга мўлжалланган товар ва хизматларнинг субъектларига солиқ имтиёзлари берилиши керак. Жумладан, экспортни солиқлар йўли билан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Корхона ўз маҳсулотларини 100 % экспорт қилса, солиқ ставкаларини пасайтириш.

2. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналарга машина ва ускуналарнинг тезлашган тартибдаги амортизациясини белгилаш имконини бериш.

3. Хизматлар экспортдан, Умумжаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мос равишда, бевосита олинаётган солиқларни камайтириш. Экспорт салоҳиятини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, бир ёки икки йилда амалга оширилиши мумкин эмас. Уни яратиш узокқа мўлжалланган сиёсат бўлиб, бунинг натижасида жамият тараққиёти ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига эришиш мумкин.

Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Қўшма корхонага қуйидаги муаллифлик **таърифи берилди**: юридик шахс бўлган, маҳаллий ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, фойда олиш мақсадида ташкил этилаётган мамлакатнинг қонунчилик талаблари асосида тузилган хўжалик юритувчи субъектга қўшма корхона дейилади.

2. Иқтисодий адабиётда корхона молиявий ресурсларига берилган таърифларни таҳлил қилиш асосида қўшма корхоналарнинг молиявий ресурслари мазмуни бўйича қуйидаги таъриф шакллантирилди: Ўзлик ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топиб, молиявий мажбуриятларни бажаришга, фаолиятни ташкил этиш ва кенгайтириш билан боғлиқ харажатларни амалга оширишга ҳамда иқтисодий фойда олишга мўлжалланган молиявий маблағлар йиғиндисига қўшма корхонанинг молиявий ресурслари деб аталади.

3. Республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш амалиётига хос бўлган қуйидаги тенденциялар аниқланди:

- 2014-2018 йилларда республикамизда асосий капиталга жалб

қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида тижорат банклари кредитларининг салмоғи жуда оз бўлган, бу эса, қўшма корхоналарнинг инвестицион харажатлари банкларнинг кредитлари ҳисобидан молиялаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатди;

- таҳлил қилинган қўшма корхоналарда узоқ муддатли ресурсларнинг молиявий ресурслар ҳажмидаги салмоғи паст даражадалиги кузатилган, бу эса, уларнинг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилади;

- қўшма корхоналарда товар захиралари ва дебитор қарздорлик суммаларининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги уларнинг молиявий ресурслари шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан қўшма корхоналарга берилган кредитларнинг кредит қўйилмалари умумий ҳажмидаги салмоғи юқори бўлиб, қисқа муддатли кредитларнинг миқдори таҳлил қилинган даврда 3.03 мартага ўсган. Бу эса, тижорат банклари кредитларининг қўшма корхоналар молиявий ресурсларини шакллантиришда муҳим ўрин тутишидан далолат беради;

- 2014-2018 йилларда республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг экспорт тушуми ўсиш тенденциясига эга бўлган.

4. Республикамизда арзон ишчи кучи, ер ости ва ер усти бойликларининг мавжудлиги, қўшма корхоналар фаолияти ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда, тижорат банкларининг ўз мажбуриятларини етарли даражада бажара олмаслиги, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланишда узилишларнинг мавжудлиги, қўшма корхоналар фаолиятига маҳаллий ҳокимият органларининг билвосита аралашуви қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлашни такомиллаштиришга

қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Қўшма корхоналарнинг тўлов қобилиятини таъминлаш, тижорат банклари кредитларидан молиявий ресурс сифатида фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида улар молиявий левераж коэффициентининг мўътадил даражасини таъминлаш йўли билан ички ва ташқи молиявий ресурслар манбалари ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш зарур.

2. Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, республикамизнинг автомобиль саноатида автомобиллар учун эҳтиёт қисмларни мамлакат ҳудудида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ сиёсатидан фаол фойдаланиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистоннинг ўзида автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараётган қўшма корхоналарга нисбатан имтиёзли солиқ ставкаларини қўллаш лозим.

3. Қўшма корхоналар пассивларининг умумий ҳажмида устав капитали ва эмиссион даромадлар салмоқларининг пасайишига йўл қўймаслик йўли билан улар молиявий ресурсларининг барқарор даражасини таъминлаш зарур.

4. Қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг молиявий ресурсларини ҳудудлар бўйича жойлаштирилишида ўзаро мутаносибликка эришиш лозим.

5. Қўшма корхонанинг узоқ муддатли молиявий ресурсларини облигация ва акцияларни эмиссия қилиш орқали кўпайтириш лозим.

6. Қўшма корхоналар инвестицион лойиҳаларини валютавий қопланиши ва иқтисодий самарадорлигини таъминлаш мақсадида инвестицион лойиҳаларни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, замонавий техника ва юқори технологияларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, миллий

иқтисодиётни жаҳон иқтисодий рискларини салбий таъсирдан ҳимоялаш имконини берадиган иқтисодий механизмларни шакллантиришни тақозо этади.

Юқорида келтирилган илмий хулосаларнинг эътиборга олинishi ва амалий тавсияларнинг миллий иқтисодиётга жорий этилиши, фикримизча, қўшма корхоналарнинг молиявий ресурсларини барқарор молиявий манбалар ҳисобидан шакллантириш ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш билан биргаликда, миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишига ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилган бўлур эди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон тўғрисида”ги 05.10.2016 йилдаги ПФ – 4848 сонли Фармони
5. Каримов И. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиздир // Халқ сўзи. 2014 йил декабрь.
6. Каримов И 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.
7. Каримов И. Юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи, 2014 йил январь.
8. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси

бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон, 2017 йил.

9. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз” - Т.: Ўзбекистан, 2017 йил.

10. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Zarafshon. 2017 йил 23 декабр, 157 сон.

11. Абулкосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодий дaвлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.

12. Александров М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб. и доп.. – М.: Дашков и Ко, 2007.– 314 с.

13. Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.

14. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.

15. Барулин С.В. Теория и история налогообложения. учебное пособие. - М.: Экономист. 2009.

16. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.

17. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.

18. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.

19. Вахабов А., Жўраев А., Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009.- 448 б.

20. Вълкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. — С-Пб.: Питер, 2004.

21. Еременко Е. А. Специальные налоговые режимы и концепция справедливости налогообложения // Финансы. 2015. № 9. С. 76–79.

22. Еременко Е. А. Специальные налоговые режимы и концепция справедливости налогообложения // Финансы. 2015. № 9. С. 76–79.

23. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой

стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.

24. Зайналов Ж.Р., Расулов З.Ж., Ахроров З.О. Корхоналар молияси. Маъруза курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2015. – 264 б.

25. Исламкулов А.Х., Ражаббаев Ш.Р., Пардаев У.У. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш. Монография. – Т.: Спектрум Медиа Групп, 2015. – 160 б.

26. Кудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.

27. Майбуров И.А. и др. Теория и история налогообложения. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: 2011.

28. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009, - 288 б.

29. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.

30. Миляков Н. Налоги и налогообложение: Учебник. Инфра-М, М.: 2007.- 507с.

31. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.

32. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.

33. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.

34. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -38 б.

35. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.

36. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.

37. Финансовые и денежно-кредитные методы регулирования экономики. Теория и практика / под ред. М. А. Абрамовой, Л. И. Гончаренко, Е. В. Маркиной. М.: Юрайт, 2014. 551 с.

38. Финансовые и денежно-кредитные методы регулирования экономики. Теория и практика / под ред. М. А. Абрамовой, Л. И. Гончаренко, Е. В. Маркиной. М.: Юрайт, 2014. 551 с.

39. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.

40. Ҳайдаров Н.Ҳ. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. Академия. - Т.: 2007. -214 б.

41. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008

42. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.

43. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013

44. Журнал ва газеталар:

- Бозор, пул ва кредит 2010-2018 йиллар ва 2019 йил 1-4 сонлари;

- Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2014-2018 йиллар ва 2019 йил 1-4 сонлари;

- Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2014-2018 йиллар ва 2019 йил 1-4 сонлари;

- Молия 2014-2018 йиллар ва 2019 йил 1-2 сонлари;

- Иқтисодиёт ва таълим 2014-2018 йиллар ва 2019 йил 1-2 сонлари;

- Солиқ ва божхона хабарлари 2014-2018 йиллар ва 2019 йил 1-4 сонлари.

45. Интернет сайтлари:

[http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)